

Иш №1-2316-2301/74  
Маърузачи: Х.Бердикличев

Биринчи инстанцияда ишни кўришда  
раислик қилган судья: О.Мауленов

Апелляция инстанциясида маърузачи  
бўлган судья: А.Аметов

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ  
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING  
А Ж Р И М И

2024 йил 25 октябрь

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг очиқ суд мажлисида, шу суднинг биносида,

Раислик қилувчи судья П.Дошмуратов, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьялари Д.Сражатдинов ва Х.Бердикличевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Арисов котиблигида, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори А.Ниязымбетов, судланган И.Иламановнинг адвокати А.Утегенованинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман судининг М.Бабаев, Г.Иламанов ва А.Сатовларга нисбатан чиқарилган 2023 йил 19 сентябрдаги ҳукми ва Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 4 январдаги ажрими устидан Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари томонидан билдирилган протестига асосан жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман судининг 2023 йил 19 сентябрдаги ҳукмига кўра,

Иламанов Гахриман Аширматович, 2003 йил 10 июнь куни Туркменистон Республикасида туғилган, миллати туркман, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, судланмаган, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани, Оққамиш ОФЙ худудида яшовчи, иш юзасидан 2023 йил 7 апрель кунидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, ҳукм нусхасини вақтида олганга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 10 йил, 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан 7 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 11 йил

Хужжат имзоланган: БЕРДИКЛИЧЕВ ХАМРА ЖАХАНГИРОВИЧ, 01.11.2024



озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли колонияларда 2023 йил 7 апрель кунидан бошлаб ўташ белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 4 январь кунги ажрими билан суд ҳукмининг Г.Иламановга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур ҳукм билан Бабаев Мамбетжан Юлдашович ва Сатов Аширмат Иламановичлар ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суд ҳукмига кўра, Г.Иламанов гиёҳвандлик воситасини қонунга ҳилоф равишда отаси Сатов Аширмат Иламанович билан олдиндан тил бириктириб, гиёҳвандлик воситаларини мўмай пуллар эвазига сотишни режалаштириб, 2023 йил 6 апрель куни соат 17:00 ларда отаси А.Сатовнинг таниши Бабаев Мамбетжан Юлдашовичга сотиб ўтказиш мақсадида соф оғирлиги 97,46 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини целлофан пакетга қадоқлаб, М.Бабаевга сотиб ўтказиш учун отаси А.Сатовдан шу гиёҳвандлик воситасини олиб, Тўрткўл тумани, Оққамиш ОФЙда жойлашган “Бабанур” тўйхонаси олдида шу гиёҳвандлик воситасини М.Бабаевга сотиб ўтказиш учун турган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан ушланган ва устида бўлган кийимларини кўздан кечирилганида, унинг қора рангли трикоси чўнтагидан целлофан пакетга қадоқлаб солинган соф оғирлиги 97,46 грамм “опий” гиёҳвандлик воситаси топилиб, ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан тайинланган судга оид-кимёвий экспертизасининг 2023 йил 7 апрель кунги 218-сонли хулосасида Г.Иламановдан олинган жигар рангли, ўткир ҳидли, юмшоқ, ёпишқоқ ҳолдаги модда таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёванд алкалоидлар – морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлиб, бу модда “опий” дейиши ва унинг соф оғирлиги 97,46 граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

Г.Иламанов ушбу жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганликда айбли деб топилган.

Бундан ташқари, Г.Иламанов жиноий фаолиятини давом эттириб, отаси А.Сатов билан олдиндан тил бириктириб, М.Бабаевга сотиш учун олиб борилган 97,46 грамм опий гиёҳвандлик моддасидан қолган 14,11 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситасини кейинчалик ўтказишни кўзлаб Тўрткўл тумани, Оққамиш ОФЙда жойлашган уйининг боғидаги девор тагига яшириб, сақлаб қуйганлиги аниқланиб, 2023 йил 6 апрель куни соат 18:10 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан аниқланиб, соф вазни 14,11 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситалари ашёвий далил сифатида олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан тайинланган судга оид-кимёвий экспертизасининг 2023 йил 7 апрелдаги 218-сонли хулосасида Тўрткўл тумани, Оққамиш ОФЙдаги Г.Иламановнинг уйининг боғ қисмидаги деворнинг тагида, ер остига кўмилган ҳолдаги бир бўлак жигар рангли ўткир



хидли, юмшоқ, ёпишқоқ ҳолдаги модда таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёванд алкалоидлар – морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлиб, бу модда “опий” дейилиши ва унинг соф оғирлиги 14,11 граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

Г.Иламанов ушбу жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганликда айбли деб топилган.

Прокурор ўринбосарининг протестида биринчи инстанция суди томонидан А.Сатов ва Г.Иламанов ушланганидан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига сотиш ниятида олган ва тузилган режасини охирига етказа олмасдан қолдиқда турган 14,11 грамм “опий” гиёҳвандлик моддасини уйнинг боғидаги девор тагига яшириб қўйган жойни кўрсатиб, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда сотиш режасини амалга ошира олмасдан қолган ҳаракатини ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмидан ушбу модда 3-қисмининг “б” бандига нотўғри квалификация қилганлиги ҳақида важлар келтирилиб, жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман судининг 2023 йил 19 сентябрдаги ҳукми ва Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 4 январдаги ажримининг Г.Иламановга оид қисмини ўзгартириш сўралган.

Судлов ҳайъати судья Х.Бердикличевнинг маърузасини, прокурор А.Ниязимбетовнинг протестни қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириш ҳақидаги, адвокат А.Утегеновнинг судланган Г.Иламановга енгиллик бериш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, протестда кўрсатилган важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмига ўзгариш киритишни, протестни қаноатлантиришни лозим топади.

Судланган Г.Иламановнинг айби унинг ўз айбига иқроп бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, Г.Иламановни шахсий тинтув ўтказиш, ҳодиса жойини кўздан кечириш, олинган гиёҳвандлик воситасини ўлчаш баённомалари ва фотосуратлари, ашёвий далил тариқасида олинган гиёҳвандлик воситасининг “опий” моддаси эканлиги ҳақидаги 218-сонли экспертиза хулосаси, юзлаштириш, кўрсатувларини воқеа жойида текшириш баённомалари ва фотосуратлари, ишга илова қилинган дисклардаги видео тасвирлар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ тасдиқланган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан судланган Г.Иламановнинг 14,11 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситаларини яшириб қўйганлиги билан боғлиқ эпизоди бўйича ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан нотўғри квалификация қилинганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасида суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда далилларга баҳо бериши, ҳар бир далил ишга



алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги қайд этилган.

ЖПКнинг 455-моддасида ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги, ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб ва ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 4-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди ва апелляция инстанцияси суди томонидан иш кўрилишида ушбу Қонун талабларига ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 21-бандида, айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларнинг фақат бир қисми ўтказилиб, қолган қисми кейинчалик суриштирув ёки дастлабки тергов давомида аниқланса, жавобгарлик қонунга хилоф равишда ўтказиш ва қонунга хилоф равишда сақлаш учун алоҳида-алоҳида (агар мазкур восита ва моддаларни ўтказишга нисбатан қасд аниқланмаган бўлса), уларнинг миқдорига боғлиқ равишда келиб чиқиши, 25-бандида айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан



квалификация қилиниши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Жиноят кодекси 25-моддаси 1-қисмига кўра, шахнинг қасдан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилиши, ушбу модданинг 2-қисмида қасдан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли Қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон Қарорига ўзгартиришлар киритилиб, унга кўра “опий” гиёҳвандлик воситасининг кўп бўлмаган миқдори 0,2 граммни, кўп миқдори 2 граммни ташкил қилиши кўрсатилган.

Жиноят ишида тўпланган далиллар мажмуига кўра, Г.Иламанов гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда отаси А.Сатов билан олдиндан тил бириктириб, гиёҳвандлик воситаларини мўмай пуллар эвазига сотишни режалаштириб, 2023 йил 6 апрель куни соат 17:00 ларда отаси А.Сатовнинг таниши М.Бабаев сотиб ўтказиш мақсадида соф оғирлиги 97,46 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини целлофан пакетга қадоқлаб, М.Бабаевга сотиб ўтказиш учун отаси А.Сатовдан шу гиёҳвандлик воситасини олиб, Тўрткўл тумани, Оққамиш ОФЙда жойлашган “Бабанур” тўйхонаси олдида шу гиёҳвандлик воситасини М.Бабаевга сотиб ўтказиш учун турган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан ушланган ва ундан 97,46 грамм “опий” гиёҳвандлик воситаси топилиб, ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олинган.

Бундан ташқари, Г.Иламанов жиноий фаолиятини давом эттириб, отаси А.Сатов билан олдиндан тил бириктириб, М.Бабаевга сотиш учун олиб борилган 97,46 грамм опий гиёҳвандлик моддасидан қолган 14,11 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситасини кейинчалик сотиб мақсадини кўзлаб, Тўрткўл тумани, Оққамиш ОФЙда жойлашган уйининг боғидаги девор тагига яшириб, сақлаб қуйганлиги аниқланиб, 2023 йил 6 апрель куни соат 18:10 ларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан аниқланиб, соф вазни 14,11 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситалари ашёвий далил сифатида олинган ва уларнинг режалаштирган гиёҳвандлик воситаларини бошқа шахсларга сотиш жиноятини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмаган.

Дастлабки тергов органи томонидан Г.Иламановнинг Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан тўғри квалификация



қилинган ҳаракатини биринчи инстанция суди ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” бандига қайта квалификация қилиб, нотўғри хулосага келганлиги кўринади.

Бундан ташқари, суд-наркология экспертизасининг 2023 йил 5 май кунги 25-сонли хулосасига кўра, Г.Иламанов гиёҳвандликка йўлиқмаган ва мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Иш бўйича Г.Иламанов сотишга тайёрлаб қўйган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ашёвий далил тариқасида олинган “опий” гиёҳвандлик воситалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган кўп миқдорни ташкил қилади.

Г.Иламановнинг М.Бабаевга соф оғирлиги 97,46 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганлиги ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Шунингдек, унинг қолган соф вазни 14,11 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситасиларини бошқа шахсларга сотиш жиноятини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмаганлиги ҳам айнан шу ҳаракат яъни Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан баҳоланмоғи лозим.

Апелляция инстанцияси суди юқоридаги мазкур Қонун нормалари биринчи инстанция суди томонидан бузилганлиги ҳолатларига эътибор бермасдан қолган.

Бундай ҳолатда, суд қарорлари қонуний ва асосли деб ҳисоблаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485-моддасида суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги, ҳукмда, ажримда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, ушбу Кодекс нормаларининг жиддий равишда бузилганлиги тафтиш тартибида ҳукми, ажримни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлиши назарда тутилган.

Судлов ҳайъати юқоридагиларга асосан биринчи инстанция судининг ҳукмига ва апелляция инстанциясининг ажримига ўзгартириш киритиб, Г.Иламановнинг айбидан нотўғри квалификация қилинган Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” бандини ва ушбу модда ва ЖКнинг 59-моддаси билан тайинланган жазони бекор қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 485, 521<sup>3</sup>, 521<sup>4</sup> ва 521<sup>6</sup>-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман судининг М.Бабаев, Г.Иламанов ва А.Сатовларга нисбатан чиқарилган 2023 йил 19 сентябрдаги ҳукми ва Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов



хайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 4 январдаги ажримининг Иламанов Гахриман Аширматовичга оид қисмига ўзгартирилсин.

Иламанов Гахриман Аширматовичнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди чиқарилсин ва ушбу модда билан ҳамда ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазолар бекор қилинсин.

Иламанов Гахриман Аширматовичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан тайинланган 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси аслича қолдирилсин.

Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Тафтиш тартибидаги протест қаноатлантирилсин.

Мазкур ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

П.Дошмуратов

Ҳайъат судьялари

(имзо)

Д.Сражатдинов

(имзо)

Х.Бердикличев

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

судья Х.Бердикличев

